

73 - التَّاسِعُ: عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يُسَأَّلُ الرَّجُلُ فِيمَ ضَرَبَ امْرَأَتَهُ» رَوَاهُ أَبُو دَاؤدَ وَغَيْرُهُ [د 2147، ق 1986].

73. Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайхи васаллам:

**«Эркак кишидан хотинини нима сабаб урганлиги ҳақида сўралмайди», дедилар».**

Абу Довуд ва бошқалар ривояти.

**Шарх:** Кўпинча эр-хотин орасидаги содир бўлган нарсаларни бошқаларга гапириш дуруст бўлмайди ёки кариҳ кўрилади ёки ҳаромлиги бор ёки ҳаё қилинади. Эҳтимол урилишига сабаб бўлган нарсанни айтиш уятли бўлиши мумкин. Унинг сабабини айтса, озор етади. Агар айтмай жим турса, сўровчини таҳқирлаган бўлади. Агар таврия, яъни асл маънодан қочириб гапирса, энди бироз фикрлашга ундейди. Агар жавобни ростини айтмаса, ёлғонга тушиб қолади. Шунинг учун урган кишидан ургани сабаби сўралмайди. Демак урилиш сабабининг зикр қилиниши ҳаром ёки кароҳиятли бўлса, у ҳақда сўраш қабоҳатдир. Ундан ташқари бу каби нарсаларни сўраб, эр-хотин орасига суқулиб, бурун тиқиш бефойда нарсаларга машғул бўлиш каби нолойиқ ишлар сирасига кириб қолади.

Албатта, уриш деганда шариат чегарасидан чиқмаган, юқорида зикри келган васфдаги уриш қасд қилинган. Ҳаддан ошиб хотинига зулм қилган эр, албатта масъул бўлади.



NUBUVVAT MARVARIDLARI